


ДЕҲҚОН МЕҲРИ ДАЛАЛАРГА СОЧИЛДИ, ОЛТИН БЎЛИБ ЧАНОҚЛАРДА ОЧИЛДИ

Қуни-кеча Пискент райони маркази одадидан гавжум бўлди. Оқунбобоев номида маданият ва истироҳат боғида соҳибқору боғбонлар, пахтақору чоралдорлар йиғилишди. Карнай-сурнай садолари узоқ-узоқларга таралди. Бу бежиз эмас, балки тўқин-сочин куз фасли кириб келганлигидан далолат беради. Айни шу пайтда азамат пахтақорлар эрта баҳордан бери астойдил

530 гектар ерда гўза ўстири-дилар, — дейди у. — Ҳар гектар ҳосилдорлигини ўрта-ча 30 центнерга етказишни мўлжаллаганмиз. Ёз бўйи шу ниятда сидиқидан меҳнат қилдик. Илтишларимиз беҳуда кетмади. Пайкал-ларда режадагидан зиёд ҳо-сил тўпланди. Айни пайтда қўл теримини қизғин бошлаб юбордик. Долоҳон Алибое-ва, Заҳро Шумаева, Фоти-ма Тўрақулова, Клара Қориева



да тўтилган. Ҳозир эса қўл терими авжида. Муҳаббат Аҳмедова, Мунаввар Тўла-нова, Хурия Сарсенова, Зумрад Жуманова сингари кўпнингкилограммчилар ўза-ро беллашувда илгорлик қи-лишяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 140 килограмм, ҳатто ундан зиёд оқ олтин тереяпти.

Шунингдек Оқунбобоев номли, Тельман номли, «Гу-листон» сингари жамоа ва

давлат хўжалиқларининг пахтақорлари ҳам ўз ҳосил-ларини пунктка топширди-лар.

Оқ карвонлар йўлга туш-ди. Энди уларнинг кети йи-гим-терим тугагунга қадар узилмайди.

У. МУҲАМЕДОВ.
СУРАТДА: пахта карвони.

Деҳқончилик жараёни бир-бирига узвий боғланган, ле-кин кескин фарқланган да-варларга бўлинади. Пахта йиғим-терими мана шу жи-ҳатдан ҳал қилувчи, шид-датли, бору йўғимини тўла намоён этувчи, ҳуллас, иш-мизни галвирдан ўтказувчи имтиҳон палласи ҳисоблана-ди.

Теримга тайёргарлик эса бир қунийк ёки бир ойлик юмуш эмас. Унга баҳору ёз бўйи ҳозирлик қўрилади. Шундай қилинмаса ҳеч нар-сага улғуриб бўлмайди. Да-ла шийпонини бекаму қўст

нинг дона этак тарқатилди.

Териб олинган ҳосилни ташин хирмонга, тайёрлов жойларига етказиш мақсади-да юккачилар, транспорт тракторларини ҳам етарли даражада ҳозирлаганмиз. 38 та юккачи, 497 та теле-жикали тракторлар ҳара-катда. 45 та қурак узмиш машиналари ҳам бекаму қўст ишлашга тахт қилиб қўйил-ган.

Юқорида таъкидлагани-миздек, асосий пахта май-донларимиз ади-р ерларга жойлашганига қарамай ма-шина теримига алоҳида тай-

қайта ҳисоблаб чиқдик. Ачи-нарлиси шунданки, ҳозирга қадар ҳатто ўз режамиздаги ёнигини ҳам тўла ололмай келатирмиз. Бизга боғлиқ бўлмаган мана шу каби му-аммоларни мутасадди раҳ-барлар кечиктирмай ҳал қи-лиши керак.

Маълумки, бозор иқтисо-диетига ўтиш даври жуда катта тангликни вужудга келтирди. Кишлоқ аҳолиси-ни қунайди озин-овқат би-лан таъминлаш оғирлашиб кетди. Кийим-кечак, гўшт, тухум, қурилиш материал-лари билан таъминлашни даражасини қўя турарлик, аҳолига ун бериш ҳам ночор аҳволда. Бу муаммолар ҳа-қида ҳам ўйлашмиз. Терим даврида дала қозони қайнаш шарт. Лекин унга махсус фонд ажратилмаган. Мага-зинларга келатган махсу-лот эса хонадонларни ҳам қаноатлантирмайди.

Пахта теримига тайёргар-лик даврида бу масалани халқ депутатлари вилоят Кенгаши раҳбарлари олди-га ўтқир қилиб қўйдик. Йиғим-терим асосан икки ой давом этади. Шу даврда бир ма-ҳал иссиқ оғват бўлиши ло-зим. Районимиз деҳқонлари-нинг дала қозони учун шу икки ойлик муддатда 24 тон-на гуруч, 15 тонна ўсимлик мойи, 210 тонна ун, 24 тон-на қанд, шакар ажратилди. Ҳар ҳолда талаб даражасида бўлмаса ҳам теримчилар учун шийпонда шартот яра-тила бошладим.

Яна бир муаммо шундан-ки, теримчиларнинг акса-рияти хотин-қизлар. Улар-нинг меҳнатини имкони бо-рича енгиллаштириш керак. Шу мақсадда дала шийпо-ларининг 80 фоизидан ма-всумий болалар боғчаси оч-дик ва гўдакларни озиқ-о-ват билан етарли таъмин-лашни йўлга қўйдик.

Бизда ҳам кўлда терилган бир килограмм пахтага 40 тиендан, машинада терил-ган бир тонна пахтага эса 25 сўмдан ҳақ тўланади. Ҳар ҳолда мавсумини ҳар томон-лама пухта қозорлик билан бошладик. Бу ўз самарасини кўрсатилган шийпонимиз ва пахтақорларимиз қисқа му-датда ўзларининг салкам 20 минг тонналик пахта хир-монларини бунёд этадилар.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Андижон район деҳқончи-лик-саноат уюшмасининг раиси.

ришган. Ўйлашгани, улар-нинг савфи бу мавсумдан янада кенгайди. Машина те-римига катта эътибор ту-файли иқтисодий тежамкор-ликка эришяптирмиз. Бу йил даромадимизни 8 мил-лион сўмдан оширишмоқчимиз.

Мутахассислар, бригада етакчилари, тақрибани деҳ-қонлар, механизаторлар би-лан бақамти ўтириб, ҳосил-нинг етилшини тахлил қи-либ, йиллик режани йиғи-ма иш кунин ёки биринчи октябрга бақариб, мумкин ҳисоб-киноб чуқур тахлил-лардан кейин чиқарилади. Бу мақсадга эришишни барча имкониятлари бор. Теримни қисқа муддатда татомлай-миз. Сентябрь биз учун асо-сий зарбдор — бетиним ку-раш ойн бўлади.

А. МАҲКАМОВ,
Марҳамат райондаги Илчи номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

роҳат боғлари қўрқамлаш-ган. Шаҳарнинг марказий майдонида маҳаллий ме-морлар билан мусавирлар ўз ижод намуналарини кў-кўз қилдилар. Театр майдо-нида эрталабдан кечгача ви-лоят театрининг санъаткор-лари ҳазил-мутобила томо-шаларини кўрсатдилар. Дор-боз-масхарабозлар ўз санъ-атларини намоиш этидилар. Ёйма бозор-қўрғазмага бор-

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

11 сентябрь кунини Ўзбеки-стон Республикасининг Пре-зидентини Н. А. Каримов Япо-нида чиқадиган «Азас» ҳафтаномасининг махсус мухбири ёзувчи Урумин қа-бул қилди.

Суҳбат чоғида республика-нинг янги Иттифоқ шартно-масини имзолашга, Ўзе-бекистон Компартиясининг бун-дан кейинги тақдирга таал-луқли масалалар тилга олин-ди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон мустақил деб эълон қилини-ши билан боғлиқ ўзгарти-ришларга, бозор иқтисоди-етига ўтиш давридаги иқтисо-дий сийсатга алоҳида эъти-бор берилди. Ўзбекистон су-веренитетининг асосий ма-қсади — республикада яша-ётган барча кишиларга тенг ҳуқуқини таъминлашдан ибор-рат эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов республикани ривожлантиришнинг истиқ-болларига тааллуқли бир қанча саволларга ҳам жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИНИНГ ЯКУНЛАРИ

10—11 сентябрь кунлари Москвада Россия, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозғистон, Грузия, Озарбай-жон, Литва, Молдова, Лат-вия, Қирғизистон, Тожики-стон, Арманистон, Туркмени-стон ва Эстония мухтор вакил-лари СССР Мудофаа вазири-ли раҳбарлиги, СССР халқ де-путатлари иштирокида рес-публиналараро маслаҳат уч-рашуви бўлиб ўтди.

Маслаҳатлашулар даво-мида ҳарбий ислохотнинг асосий консепциялари ва йў-наллишлари, суверенитет ҳа-қида денграция қабул эт-ган, шунингдек ўз мустақил-лигини эълон қилган давлат-ларнинг янги ва жамоа ҳавфсизлигини таъминлаш даврида ҳарбий қурилиш қон-далари ҳусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувининг барча қат-нашчилари ядро қуролига ва бошқа турдаги оммавий қир-ғин қуролига раҳбарлик қи-лиш ҳамда улар устидан назорат ўрнатиш ягона бў-лиши керак, деган фикрни тасдиқладилар. Қурул-про-ларни қисқарттириш ва уларни назорат қилиш ма-салалари юзасидан СССР қабул этган барча халқаро

битимлар ва мажбуриятлар борасида ҳуқуқий ворисли-кни таъминлаш зарур, деган масалалар ҳам учрашув қат-нашчилари яқдил бўдилар.

Мудофаа соҳасидagi вако-латларни фарнлаб қўйиш ва ўзаро алоқани йўлга қў-йиш тўғрисида, шунингдек СССР Давлат кенгаши ҳузу-рида тузилган ҳарбий ислохотни тайёрлаш ва ўт-казиш комитети ишида до-ний асосда қатнашиш ҳа-қида битим тайёрлаш учун суверен республикаларнинг мухтор вакиллари бундан бўён маслаҳат учрашувлари-ни ўтказиб туришлари тўғрисида ҳам бир тўхтама-г келинди.

(ТАСС)

ЗАФАР ЗАВҚИ

ҚАШҚАДАРҒ. («Кишлоқ ҳа-қиқати» мухбири И. Амми-ровдан телефон орқали олин-ди).

Виллоятда зафар маррасини эгаллаган жамоалар сонин кун сайин кўпаймоқда. Қуни

кеча яна 6 та бригада даст-лабки доводдан ошди. Шу-лардан учтаси Қосон райони-даги 54-хўжалик ҳисобидagi участкага қарашли жамоа-лардир. Мансур Саилов бо-шлиқ оилавий бригада аъ-золари 15 гектар ердан

21 тонна ўрнига 32 тонна хом ашё топширишди. Сафар Тойматов бригадаси 12 гек-тар ердан 40 тонна, Эшпўлат Саидов бригадаси эса 9 гек-тардан 19 тонна оқ олтин йиғиштириб олдилар.

Шу райондаги 38-хўжалик ҳисобидagi участкадан Қўч-қор Ҳасанов, Муборак Ра-ноиди «ВЛКСМ 60 йилли-ги» давлат хўжалигидан Эш-

мамат Муродов, Ғузор райо-нидаги Ленин номида давлат хўжалигидан Норкул Сатто-ров бригадалари ҳам йиллик топшириқни адо этидилар. Уларда ҳосил асосан занго-ри кемадар ёрдамида саран-жомланди.

Зафар кучган ҳамма жа-моаларда терим давом эт-моқда.

қўйиб идорама-идора чопиб, арава камлик қиляпти, этак етишмайпти, шпиндель эски деб зорланиш ношуд-ликдан бозорга нарсас эмас.

Хозирнинг ўз юмушлари бор. Майдонларини теримга тайёрлаш, дефоляция, да-ла шийпонларидagi шаротини тубдан яхшилаш, терим-да иштирок этаётганларини рўзгор ташвишдан холи қи-лиш, пахта хом, ифлос те-ришчиликнинг олдини олиш ка-би ишлар қайнаб ётибди.

Бизда пахта терими ма-шиналари ва бошқа техника воситалари илжони бўлса қишда, бўлмаса баҳор фа-слидаёқ шайлаб қўйишнинг одадта айланган. Шунинг учун августини теримга тай-ёргарлик қўриш махсус ойи деб қарамаймиз. Борди-ю ёз яхши келиб терим августда

бошланадиган бўлиб қолса доғда қолмаймиз. Деҳқон ҳар фаслга ҳамма олдидан тайёр туриши керак.

Хўжалигимизда пахтачи-ликни эмас, балки бошқа тармоқларда ҳам бирдек тайёргарлик ишлари олдин-дан бақариб қўйилди. Шу-нинг учун ҳам барча тар-моқлардан фойда оламиз. Ўтган йил даромадимиз 7,5 миллион сўмни таъинил эт-ган бўлса, 4 миллион 384 минг сўмни қолқозиларга иш ҳақи билан қўшимча му-кофот қилиб бердик.

Пахта теримига биз ура-урага йўл қўймаймиз. Чунки меҳнат билан яратилган бир тола пахтани увол қи-лиш ноқуруқ бўлади. Ўз режа, дастуризмизга қатъий амал қиламиз. Бу ҳар йилги

одатимиз. Ўтган йил ҳам ўз билгимизча иш бошладик. Машина теримини ҳам, йил-лик режани ҳам илгорлар қаторида адо этдик. Ёнг муҳими, сифатли ҳосил топширдик. Ўша мавсумнинг ўзига мукофотга битта «ТА3-24», 6 та «Мос-квич-412» ва битта «УАЗ» маркали машиналар олдик. Булар хўжақўрсинга берил-гани йўқ. Ҳақоло, самарали меҳнатларимиз тақдирномаси бўлди.

Бу мавсумдаги режалари-миз ҳам пухта. 1824 гектар пахта майдонидан 3.886 тон-на сифатли хом ашё топи-ришмоқчимиз. Етиштирган ҳо-силни қўғи бу маррадан ҳам ўзиб кетишимизни таъ-минлайди. Жама пахтанинг 70 фоизини машиналарда

зал томоша кўрсатди. Хо-нанда Рафбат Қўлиқова уруш йилларидаги қўшиқ-ларини айтиб берди. Баста-кор ва шоир Андрей Демен-тьев ўз ижодида намуналар айтишди. Шу ердаёқ ян-ги тақлиф тушди — пул мукофотларининг ҳаммаси Орел болаларига ёрдам жамғармасига топширила-диган бўлди. Барча мадо-ний ходимлари Р. Қўлиқо-ва бошлаган шу яхши наму-нага эргашдилар.

Н. ПОЛАНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

УРГАНЧДА ТАНТАНА

Урганч ўз байрамини—шаҳар кўнини тантанали и-шонлади. Бундан бир неча аср муқаддам айни сентябрь кунларида Амударёнинг сўл соҳилидаги шаҳарга асос со-линган эди.

Туркменистон ва Қора-қалпоғистондан Урганч аҳо-лисини муборакбод қилиш учун меҳмонлар келишди. Кўча ва майдонлар ободон-лашган, кинотеатр ва исти-

УРГАНЧДА ТАНТАНА

роҳат боғлари қўрқамлаш-ган. Шаҳарнинг марказий майдонида маҳаллий ме-морлар билан мусавирлар ўз ижод намуналарини кў-кўз қилдилар. Театр майдо-нида эрталабдан кечгача ви-лоят театрининг санъаткор-лари ҳазил-мутобила томо-шаларини кўрсатдилар. Дор-боз-масхарабозлар ўз санъ-атларини намоиш этидилар. Ёйма бозор-қўрғазмага бор-

ФАХРИЙЛАР ШАРАФИ

11 сентябрь кунини Зебо Ганиева номида фронт бри-гадалари ансамблининг қат-нашчилари жумҳурият Уруш ва меҳнат фахрийлари ке-нашининг байрамона бе-за-тилган залига жанговар ор-ден-медалларини тақиб кел-дилар. Бу ерга уларнинг кўпгина насбдошлари —

уруш ва меҳнат фахрийла-рига оталиқ қилиш ишида фаол қатнашаётган маданият арбоблари ҳам келган эди-лар. Улар шаҳар даҳалари ва маҳаллаларида, қорхона-лар ва хўжалиқларда, ши-фоналарда концерт бе-риш, одамларнинг дилини қу-вончга тўлдирмоқдалар.

Жумҳурият Уруш ва меҳ-нат фахрийлари кенгазининг раиси Р. Ғўломов Вутунит-тифоқ фахрийлар кенгаши билан Вутуниттифоқ фахрий-ларга маданий оталиқ уюш-масининг фахрий ёрлиқла-рини оталиқ ишида жуда фаол қатнашаётган уш жа-моа — Зебо Ганиева номи

Мукофотланганлар ҳам қарадор бўлиб қолишмади—шунга эътибор қилиб фронт бригадалари ансамбли гу-



визин бадий фильм, 1-
рия (Одесса киностудияс)
1.25 «УША ПАЙТЛАРДА,
РАЗЛАР УЙИБ ИШЛАНГ
ДИ...». Телевизин хужо
фильм премьераси. Енис
скии мусавир Н. Доро
хакида (Красноярск).